

МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ МАНТИҚ ВА ТИЛДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ**ЎзДЖТУ профессор Жамолiddин Якубов**

Аннотация: Данная статья посвящается отношению модальных категорий в логике и языкознании сопоставимы: категориям, выработанным в логике, соответствует определенный состав языковых средств. Лингвистическая модальность выражается прилагательными и наречиями, вводными словами и оборотами, глаголами и предикатами, передающими эмоции и чувства, основанные на положительной или отрицательной оценке объекта. Предлагаемый подход позволяет систематизировать разноречивые классификации модальных значений с более широких позиций, способствует выработке определенной системы модальности.

Abstract: This article is devoted to the relationship of modal categories in logic and linguistics are comparable: categories developed in logic correspond to a certain composition of linguistic means. Linguistic modality is expressed by adjectives and adverbs, introductory words and phrases, verbs and predicates that convey emotions and feelings based on a positive or negative assessment of an object. The proposed approach allows us to systematize conflicting classifications of modal meanings from a broader perspective and contributes to the development of a certain system of modality.

Ключевые слова: модальность; модальные категории в логике и лингвистике; познавательная модальность; аксиологическая модальность, модальные значения.

Key words: modality; modal categories in logic and linguistics; cognitive modality; axiological modality; modal meanings

Модаллик (лотинча: *modus* – ўлчов, меъёр, чегара, ҳад, даража, усул, йўсин, йўл, равиш, тариқа, тарз) – тилнинг, тафаккурнинг сўзловчининг нуктаи назаридан мулоҳаза мазмунининг муносабати воқеликка қандай бўлиши кераклигини ифодаловчи базавий категорияларидан бири. Турли тилларда модаллик категорияси турли шаклларда иштирок этади. Бу қоида кўп йиллар давомида унга қизиқишни белгилаб берди ва унинг кўп жиҳатли ўрганилишига кўмаклашди. Модаллик категориясининг кўлами ҳамда ҳар хил планилиги у бизнинг ҳаётимизда қанчалик кўп қиёфали тарзда намоён бўлиши билан боғлиқ. Одамлар ҳаракатларни режалаштирган, фаразларни ифодалаётган, гумонларини айтаётган, буйруқларни ва фармойишларни бераётган, илтимос қилаётган ёки маслаҳат бераётган, истакларини изҳор қилаётган, таъна қилаётган пайтларида айнан шу нарсани, яъни модаллик категориясига алоқаси бор нарсани қилаётган бўладилар.

Модаллик категорияси иш-ҳаракатларнинг, воқеа-ҳодисаларнинг ва фактларнинг реалликка турли хил ўзаро алоқаларини акс эттиради: “Иш-ҳаракатлар ёки воқеа-ҳодисалар ҳақиқатда (воқеликда) содир бўлишлари мумкин; юз беришлари мумкин, эҳтимол бўлишлари мумкин; қандайдир бир киши иш-ҳаракатни амалга оширишга мажбур (иложсиз, шарт) ёки истаётган (хоҳлаётган, интилаётган) ёки иш-ҳаракат амалга ошиши учун (илтимос қилаётган, буйруқ бераётган, мажбур қилаётган, ишонтираётган, ёрдам бераётган, тўсқинлик қилмаётган) бўлиши мумкин” (Мечковская 1994, 194-219).

Модал мантиқнинг проблематикаси жуда қадим замонларда пайдо бўлган. Модаллик ҳақида, яъни сўзловчининг нуқтаи назаридан уларнинг нутқлари воқеликка қандай муносабатларда бўлишлари кераклиги ҳақида Аристотелга қадар абдералик Протагор, “энг кўзга кўринган, балки эҳтимол биринчи софист ҳам бўлиши мумкин”, ёзган эди (Ирмшер 1993, 467). Унинг “Баҳс санъати” асари сақланиб қолмаган, аммо етти аср ўтгач, Диоген Лаэртский “Машхур файласуфларнинг ҳаёти, таълимотлари ва ҳикматли гаплари” номли энциклопедик тўпламда (эраимизнинг II ва III асрлар оралиғи) кўрсатиб ўтган эдики, “Протагор биринчи бўлиб нутқни (гапни) тўртга (кўринишга) ажратган: *илтимос (ўтинч)*, *сўроқ (савол)*, *жавоб*, *бўйруқ* – ва уларни нутқнинг (гапнинг) тармоқлари (бўлақлари, қисмлари) деб атаган. (Фрейденберг 33).

Протагорнинг “тармоқлари” ҳозирги лингвопрагматика нуқтаи назаридан нутқ актларининг кенг модал синфларига тўғри келадилар, улар сўзловчи у ёки бошқа мулоҳазани хабар қилаётиб амалга ошираётган мақсади бўйича фарқланадилар. Бу Чарльз Пирсининг семиотикасида “прагматика” термини пайдо бўлишидан ҳамда ҳозирги тарихда тил муносабати тадқиқотларининг гуркираб ривожланишидан анча олдин лингвистик прагматикага асос солди.

Шундай қилиб, ҳозирги мантиқнинг кўп тушунчалари антик ва ўрта аср мантиқчиларининг таълимотларидан келиб чиқадилар: “Модал мантиқ – ҳозирги ноқлассик мантиқнинг йўналишларидан бири, унда “керак, лозим, даркор, зарур” ва “мумкин бўлганча, мумкин қадар, имкони борича, мумкин, имкони бор, эҳтимол, балки ва б.” каби функторли мулоҳазалар тадқиқ қилинадилар (Кондаков 1975, 358).

Модаллик категориясига анча кенг ёндашув А. А. Ивиннинг ишларида ифодаланган: “Модаллик – у ёки бошқа нуқтаи назардан берилган мулоҳазада аниқланган алоқанинг баҳосидир” (Ивин 2004, 516). Модал конкретлаштириш кўпинча “керак, лозим, даркор, зарур” ва “мумкин бўлганча, мумкин қадар, имкони борича, мумкин, имкони бор, эҳтимол, балки”, “исботланиши мумкин бўлган, исбот қилиб бўладиган, исботлана оладиган, исботли”, “рад қилинадиган, нотўғрилиги исбот қилинадиган, ёлғонлиги кўрсатиладиган”, “албатта, муқаррар, сўзсиз”, “ижозат берилган, руҳсат этилган, ҳал қилинган”, “яхши, дуруст, хўп, майли, шундай бўлақолсин”, “ёмон, чатоқ, пачава” тушунчаларини ишлатиш йўли билан амалга оширилади (Ивин 2004, 516).

Тил хусусиятларини ўрганиш мантиқ илмининг ҳам вазифаси эканлиги гапнинг семантик хусусиятларида ёки коммуникатив функциясида сўзловчи ва тингловчи орасидаги мулоқот жараёнида турли хил маъноларни ўзида жамловчи модаллик категориялари (реаллик, мумкинлик, зарурият) орқали ифодаланишида яққол кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби тил ва тафаккур шакллариининг ўзаро узвий боғлиқ муносабатлари бўлиб, улар асосида мантиқий ва семантик категорияларнинг ҳосил бўлишидир. Жумладан, модаллик категорияси бунга мисол бўла олади.

Мантиқ ва тилда модаллик категориясининг ўзига хос мураккаб хусусиятлари мавжуд. Тилдаги модаллик билан мантиқий модалликнинг бир-бирига мос келмаслиги бу муаммони янада мураккаблаштиради ва бу фақат лингвистика учунгина эмас, балки мантиқ учун ҳам катта аҳамиятга эга. Модаллик категорияси фикрнинг мантиқий қурилиши билан чамбарчас боғланган тил ҳодисалари қаторига киради, шунинг учун у ҳам тилшунослик, ҳам мантиқ илмининг текшириш объектидир. Биринчисида модаллик гапнинг энг муҳим белгиси сифатида, иккинчисида тафаккур шакли тарзидаги ҳукмнинг муҳим белгиси сифатида

қаралади. Шунга кўра модаллик категориясини мантиқ билан тилда боғлаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда бу боради бир-биридан фарқ қилувчи икки хил ёндашув кузатилади: 1) *тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабатини чуқурроқ ўрганиш масаласи*, 2) *тил ва мантиқнинг ўзаро муносабати* янгидан фан сифатида шаклланишига доир муаммолар.

Тилшуносликда, албатта, мантиқ ва тилнинг ўзаро муносабати ҳақида маълум илмий қарашлар мавжуд.

И.И. Мешанинов концепциясида асосий эътибор тушунча категорияси билан тил орасидаги муносабатга қаратилиб, унинг тилдаги ифодаланиш хусусиятига катта эътибор берилган ва тушунча категорияси мантиқ ва тилдаги ўзаро муносабатининг қиёсий тавсифи асосида таҳлил қилинган. У мантиқий грамматик категорияларни «тушунча категориялари» деб номлаб, уларнинг кўринишлари турлича эканлигини аниқлайди»(Мешанинов 1967, 8-12).

А.В. Бондарко ўзининг монографиясида И.И. Мешанинов концепциясидаги тушунча категориялар назариясини ривожлантириб, тушунча категориясини семантик категория деб номлайди ва ушбу категориялар билан тилнинг семантик функциялари орасидаги муносабатни назарий таҳлил қилади. Ушбу асарда гапнинг грамматик маъноси билан мантиқий маъноси орасидаги фарқ очиқ берилган (Бондарко 1984, 30).

Шунингдек, А.В. Бондарко тушунча категориялари билан тилнинг семантик функциялари муносабатлари орасидаги фарқни ҳам чегаралаб тушунтириб берган. Унинг фикрича, «*биринчи томондан*, тушунча категориялари (мумкинлик, зарурият, императивлик ва б.) реал объектив борликни акс эттириб, унга бўлган муносабатни билдирса, *иккинчи томондан*, асосий эътибор ушбу категорияларнинг тил билан узвий боғлиқлик муносабатларига қаратилади. Тушунча категорияларини ифодалашда тилнинг семантик функциялари асосий ўринни эгаллайди, чунки улар тилнинг турли сатҳларида (морфологик, лексик ва синтактик) келиши мумкин. Тушунча категориялари билан тилнинг семантик функциялари бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, улар гапнинг семантик хусусиятини очиқ беришда катта роль ўйнайди» (Бондарко 1984, 72-73).

Келтирилган фикрлардан англашиладики, семантик категория тушунча категориясини англатиб, таққосланаётган семантик функциялар асосида шаклланган бўлади. Тушунча категориялари доим тилнинг семантик функциялари асосида юзага чиқиб, улар бир томондан тил билан, иккинчи томондан нутқ билан боғлиқ бўлади.

В.З. Панфилов мантиқ билан тил орасидаги муносабатни таҳлил қилар экан, у асосий эътиборни мантиқий категориялар, яъни субъект ва предикат атамаларига қаратиб, уларнинг гап сатҳида қандай қўлланишига қаратган. Унинг фикрича, «Гапнинг синтактик ва мантиқий грамматик бўлиниши доим ҳам мос келавермайди. Жумладан, мантиқий-грамматик субъект эга билан ифодаланмасдан, балки гапнинг бошқа бир бўлаги билан ифодаланиши мумкин. Мантиқий-грамматик предикат эса кесим билан эмас, балки гапнинг бошқа бир бўлаги билан келиши мумкин» (Панфилов 1982, 171).

Кўринадики, гапнинг синтактик ва мантиқий-грамматик сатҳларга ажралиши натижасида объектив ва субъектив модалликлар орасидаги муносабатлар янада мураккаблашади. Гапдаги объектив модаллик синтактик сатҳга ажралганда, мантиқий-грамматик бўлинишда ҳар хил субъектив модалликка эга бўлиши мумкин. Буни исботлаш учун, В.З. Панфилов қуйидаги мисолларни келтиради: «Если бы он пришел, я бы ему сказал;

2) Если бы он пришел, я бы, вероятно, ему сказал; 3) Если бы он пришел, я бы, конечно, ему сказал» (Панфилов 1982, 175).

Берилган ҳамма гапларда объектив модаллик синтактик сатҳда амалга ошмайдиган ҳаракатни ифодаламоқда. Ҳар бир гапдаги субъектив модаллик алоҳида хусусиятга эга: биринчи гапда – оддий ишончлилик (шубҳасизлик), иккинчи гапда мумкинлик (эҳтимоллик), учинчи гапда - категорик тасдиқ. Айтиш жоизки, гапнинг синтактик ва мантиқий-грамматик муносабатларга ажралиш ҳолати тилнинг типологик хусусиятига боғлиқ. Айнан шу семантик хусусият билан гапдаги объектив ва субъектив модаллик очиб берилади.

В.А. Звезгинцевнинг фикрича, «Тил билан мантиқ орасидаги муносабатлар ўзига хос хусусиятга эга. Тажрибага асосланган тилшуносларнинг мақсади лингвистикада у ёки бу предмет, ҳодисани тасвирлаш, таъриф бериш ва тушунтиришдир. Ҳосил бўлган тажриба натижаларини тилшунослар тил объектида қўллайдилар. Мантиқшунос эса далиллар, хулоса чиқариш ва ҳукмлардан фойдаланади ҳамда уларни фақат тил шакллари сифатида қабул қилиши мумкин. Натижада, мантиқшунос тилшуносларга нисбатан объектив борлиқдан бир босқич узоқда бўлади. Унинг таҳлили объектив борлиққа йўналтирилмасдан, балки тилга қаратилган бўлади. Бошқача айтганда, мантиқшунос тил бўйича тадқиқот олиб боради ва ҳосил бўлган тажрибани метатил деб атаيمиз. Мантиқий нуқтаи назардан қараганда, тилнинг асосий бўлаклари дейилганда белги ёки бирор бир объектни белгилаш эмас, балки фақат гапдагина мантиқий жараённинг ёйилиб, кенгайиб кетиши назарда тутилади. Айнан шу хусусият билан гап чин ёки хато маъноларни ифодалаб, ушбу тушунчалар семантик доирани ҳосил қилади»(Зикриллаев 1978, 231).

О.К. Васильева-Шведе, Г.В. Степановларнинг таъкидлашича, «Грамматикада модаллик мантиқдаги модаллик билан узвий боғланган. Аммо гапдаги ҳукм ва модаллик, масалан, грамматик ва мантиқий категориялар (эга ва субъект, кесим ва предикат) доим ҳам бир-бири билан мос тушавермайди. Грамматикадаги модалликнинг мантиқий модалликдан фарқи шундаки, грамматикада модаллик турли хил ифодаланиш шаклига эга бўлса, мантиқда эса бундай хусусият йўқ.

Мантиқий модаллик ва ҳукм модаллиги масалалари шу кунга қадар анча тушунарсиз бўлиб, баҳсли мунозараларга олиб келмоқда. Ушбу ҳолатни шундай тушуниш мумкинки, тилшунослиқда гапнинг модаллиги ва бу категориянинг моҳияти, турлари ҳақида ягона фикр йўқ» (Виноградов 1975, 177).

Фалсафада муносабат тушунчасини ифодалашда ҳодисалар ривожланиши, бир муносабатнинг йўқолиб, бошқа муносабатнинг пайдо бўлиши муҳим бўлса, мантиқда тушунчалар муносабати мантиқнинг асосий мазмунини ташкил қилиб, улар орасидаги зиддиятларни аниқлаб келиши маълум бўлди. Тилшунослиқда эса **муносабат** тушунчаси тил элементларининг ўзаро мос келиши ва ўзаро боғланганлиги, шунингдек, гапнинг структуравий элементлари ҳамда уларнинг функционал хусусиятлари тил материалининг ўхшаш ва фарқ қилувчи муносабатлари асосида қурилган бўлиб, бу соҳадги мавжуд. назарий фикрларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) Муносабат тушунчаси модаллик категориясини ифодалашда кўзга яққолроқ ташланади, чунки «модаллик сўзловчининг реалликка бўлган муносабатининг акс этишидир. Модалликнинг мазмун плани учун сўзловчи муносабатини бирлаштирувчи белги сифатида асос қилиб олиш категория бутунлигини сақлайди»(Сибгатов 1984, 116); 2) *Тил ва мантиқнинг ўзаро муносабатида мантиқий - грамматик категориялар катта роль ўйнайди* (Мещанинов, 166,137,72,); 3) Семантик

категориялар билан тилнинг семантик функциялари орасидаги муносабат ва улар орасидаги дифференциал белгилар мавжуд (30), 4) Грамматик модаллик билан мантиқий модаллик орасидаги муносабатлар узвий боғлиқ ҳамда гап таркибидаги элементларнинг ўзаро семантик муносабати универсал категория сифатида қаралади (Виноградов 1975, 155).

Назарий таҳлил шуни кўрсатдики, асосий муносабатлар кўпроқ гапларнинг синтактик ва мантиқий-грамматик сатҳларига бағишланади.

Агар ҳар бир гапнинг синтактик ва мантиқий-грамматик сатҳлари орасидаги хусусиятларни текшириб кўрсак, улар орасидаги муносабатлар турлича бўлиши кузатилади: 1) икки сатҳда гапнинг структуравий шакли мос келмаслиги: агар гап синтактик сатҳда синтактик қисмларга бўлинса, унда гап мантиқий-грамматик сатҳда фақат фикрни ифодаловчи субъект ва предикатга бўлиниши мумкин, 2) гапда эга ва кесим мантиқдаги субъект ва предикат билан мос келмайди, 3) мантиқий грамматик сатҳда агар предикат кесим орқали ифодаланмасдан, балки бирор гап бўлаги билан берилса, предикативлик ва модаллик синтактик сатҳда кесимнинг майл орқали ифодаланишига мос келмаслиги мумкин.

Демак, *бир томондан*, модаллик категориясининг мантиқий-грамматик ва синтактик сатҳларда мос келмаслигининг сабаби уларнинг асосий маркери гапнинг кесим билан ифодаланмаслиги бўлса, *иккинчи томондан*, гапдаги модаллик хусусиятларининг бир-бирига мос тушмаслигидир. Бунинг боиси гап таркибидан тил бўлақларининг миқдори ошган сари модаллик категориясининг моҳияти ҳам ошиб, турли маъноларни қамраб олиши мумкин.

Шундай қилиб, модаллик маъноси мантиқий грамматика ва синтактик сатҳларда бир хил эмас. Модаллик категориясининг бу икки томони гапнинг умумий модаллик хусусиятини очиб беради ва ушбу категория тилда сўзловчи томонидан турли хил лисоний бирликлар билан (синтактик сатҳда) ифодаланади.

Гуруҳлар таснифидан кўринадики, модаллик категориясининг тил ва мантиқ орасидаги муносабат ҳақида назарий фикрлар кам, аммо мантиқ ва тилда модаллик категориясининг ўзаро муносабати ҳақида, конкрет тил материали асосида махсус илмий-тадқиқот мутлақо ўтказилмаган.

Мантиқ ва тилдаги модаллик категорияси муносабатининг асосий хусусияти шундаки, мантиқда ушбу семантик категория доим инвариант ҳолда ўзгармай турса, тилда, аксинча, модаллик категорияси турли лексик-грамматик воситалар билан ифодаланиб, турли хилдаги семантик майдонни ҳосил қилади.

Битта реаллик макромайдон ичига янги семаларнинг пайдо бўлишини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

1). Мухлисларимиздан кўплаб хатлар келмоқда (*келаяпти, келаятир*) (Реаллик + *ҳозирги замон*). 2). Куз. Пахта терими бошланди (Реаллик + *ўтган замон*). 3). Бугун клубга бор! (Реаллик + *буюриш, маслаҳат, илтимос*: интонацияга қараб). 4) Тезроқ келсанг, кинога борар эдик (Реаллик + *келаси замон, буюриш; истак, шарт*: Агар тезроқ келсанг: - Тезроқ кел, кинога борамиз. Ушбу гапда шарт майли формаси, асосан, буйруқ майли маъносида ишлатилган.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги мисоллар (1,4) яна услубий хусусиятларга эга бўлиб, улар тилда турли хил синонимик вариантлар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолда интонация ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Берилган мисолларда аниқлик (хабар майли) ва шарт майллари феъл англатган ҳаракат ва ҳолатнинг ҳозирги (1), ўтган (2) ва келаси (4) замонларда бажарилганлиги ёки келажакда

бажарилиши ҳақида хабар бермоқда. Бу майлларнинг шакллари ҳаракат уч замоннинг бирида ижро этилганлигини ёки амалга ошишини англатиб келмоқда. Албатта, ҳаракатнинг бажарилган ёки амалга ошиши мумкин бўлган хабар майлининг маъносини ўзгартрмайди. Чунки феъл шаклларида ҳам реал ҳодиса – ҳозирги, ўтган ва келаси замонларда ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланган. *Биринчи ва иккинчи гапларда* реаллик категориясига янги семалар (ҳозирги, ўтган замон тушунчалари) кўшилиб, ҳаракатнинг ҳолатини реаллаштириб келмоқда. Учинчи гапда эса ҳаракат буйруқ майлида ифодаланиб, бу ерда реаллик категорияси доирасига кичик микромайдонлар (*буюриши, маслаҳат, илтимос*) кириб, гапнинг модаллик муносабатларини янада очиб берган. Тўртинчи мисолда реаллик категорияси шарт майлининг буйруқ шаклида берилган. Реаллик макромайдони атрофида *буюриши, истак, шарт* микромайдонлари ҳосил бўлиши ушбу гапнинг семантик моҳиятини янада ривожлантирган.

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатдики, битта семантик категория устига (масалан, «реаллик» категорияси қатор семалар билан келиши: истак, таъкид, шарт, буйруқ кабилар) бошқа семантик маъноларнинг (семалар) тушиши гапнинг модаллик хусусиятини янада очиб ташлаши натижасида тилда ифодаланган.

Шундай қилиб, модал мантиқ лингвистикада ўзининг модал маъноларининг систематизациясини намоён қиладиган жиддий фан сифатида чиқади. Ўзига хос ишлар тақсимоти юзага келган. Лингвистлар мантиқчиларга қараганда ҳам семантикани, ҳам тил ифодасининг шаклини эътиборга олиб модалликнинг ҳар хил турларини (кўринишларини) чегаралайдилар (ажратадилар), мантиқчилар эса йирик модал категорияларнинг инвариантлари семантикасини ва уларнинг мантиқий синтагматикасини чуқур ва тўғрилигини текшириб кўриб тақдим қиладилар. Модаллик категориясини тадқиқ қилишда (ўрганишда) мантиқий-лингвистик ёндашув модаллик категориясини ўрганишда асосий ва энг кийин вазифани – модал маъноларнинг хилма-хил таснифларини тизимлаштиришга (умумлаштиришга) ёрдам беради. Шундай экан, модалликни лингвистик ва мантиқий тушунишни бирлаштириш мумкиндек тўйилади, аммо битта фарқ билан: лингвистлар учун модал маъноларни ифодаловчи тил воситаларининг таркиби муҳимдир. Мана шундай ёндашувда мантиқий ва тил модаллиги бир-бирини бойитадилар ва бир-бирини тўлдирядилар.

ЛИТЕРАТУРА

1. Бондарко А. В. Функциональная грамматика. Л.: Наука, 1984. –136 с.
2. Виноградов В.В. О категории модальности и модальных словах в русском языке, - Избранные труды. Исследования по русской грамматике. - М.: Наука. 1975. - С. 54 - 87.
3. Зикриллаев Г.Н. Модальность и система форм изъявительного наклонения. Автореф. дис. канд. филолог. наук. - Т.: 1978. – 21 с.
4. Ирмшер Й, Йоне Р, составители. Словарь античности. Кузицин ВИ, редактор. Москва: Эллис Лак; 1993. 704 с. Совместное издание с «Прогресс».
5. Ивин АА, редактор. Философия: энциклопедический словарь. Москва: Гардарика; 2004. 1072 с.
6. Кондаков НИ. Логический словарь-справочник. Москва: Наука; 1975. 720 с.
7. Мечковская НБ. Модальность в словенском языке. В: Jachnow Н, Mečkovskaja N, Norman В, Suprun А. Modalität und Modus: Allgemeine Fragen und Realisierung im Slavischen

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-9

- = Модальность и наклонение: общие вопросы и реализация в славянских языках. Wiesbaden: Harrassowitz Verlag; 1994. с. 194–219
8. Механинов И.И. Соотношение логических и грамматических категорий. – В кн.: «Язык и мышление», М., 1967.
 9. Панфилов В. З. Гносеологические аспекты философских проблем языкознания. - М.: Наука, 1982. – С. 152-180.
 10. Сибагатов Р.Г. Теория предикативности. - Саратов, 1984. – С. 17-20.
 11. Фрейденберг ОМ, редактор. Античные теории языка и стиля. Ленинград, Москва: Соцэкгиз; 1976. 341 с.

